

● Республика янгиликлари

ҚОЗОГИСТОН  
ЭРОННИНГ ЭНГ ЯХШИ  
ЙИГИРМАТА ЭКСПОРТ  
ЙУНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР

Буни Эроннинг Қозогистондаги элчиси Мажид Сабер Эрон-Қозогистон иқтисодий алоқаларини ривожлантириш бүйича ўтказилган форумда маълум қилди.

– Қозогистон очиқ денгизга чиқа олмайдиган мамлакатларнинг энг йириги, аммо унинг Россия ва Хитойга яқин қўшничилиги, шунингдек, Каспий денизидаги узун қирғоги мамлакатга имтиёзли мавқе берди, – деди элчи.

МАМЛАКАТДА  
ДОРИ-ДАРМОН  
7 ФОИЗГА ҚИММАТЛАДИ

Қозогистон дорихоналарида бир йилда энг кўп қимматлашгани – антисептиклар, баҳоси 17 фоизга ошган. Шунингдек, ҳарорат туширадиган дорилар 8,5 фоизга қимматлашган.

Умумий фармацевтик дориларнинг баҳоси бир йилда 7 фоизга ортган.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАР  
93,9 МЛРД. ТЕНГЕ ЁРДАМ  
ПУЛИНИ ОЛДИЛАР

Буни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш вазирлиги маълум қилди.

– 2020 йилги январь-май оралигига ўтара ҳисобда 387,2 минг оила 93,9 млрд. тенгега давлат ёрдами билан таъминланди. Май ойида 396,5 минг оила умумий қиммати 20,4 млрд. тенге ёрдам пулинин олдилар.

ҚОЗОГИСТОН  
“ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2026”  
УЧУН АРИЗА ТОПШИРАДИ

Қозогистон хоккей федерацияси Халқаро хоккей федерациясининг навбатдаги конгрессида 2026 йилги Жаҳон чемпионатига даъвогарлик қилмоқчи.

Буни Федерация бош директори Глеб Карапаев маълум қилди.

ҚОЗОГИСТОНДА  
УЙ-ЖОЙ БАҲОСИ  
ҚЎТАРИЛДИ

ҚР Миллий иқтисодиёт вазирлиги статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, жорий йил май ойида апрель ойига нисбатан мамлакатда кўчмас мулкнинг барча турлари, шу жумладан, янги, қайта сотиладиган ва ижарага бे-рилган уй-жойларнинг ўртача нархлари ошди.

Иккинчи даражали уй-жой нархи кўпроқ кўтарили – ойига 1 фоиз. Ўтган йилнинг дебабрига нисбатан беш ой давомида ўзиш 3,2 фоизни ташкил этди. Ва йил давомида мамлакатда уй-жойнинг ўртача баҳоси 7,6 фоизга ўсади. Май ойида Қозогистондаги иккинчи даражали уй-жойнинг ўртача сотув қиммати ҳар квадрат метри учун 208 148 тенгени ташкил этди.

ҚОЗОГИСТОН  
ГЕРМАНИЯГА ҚАМИШ  
ЭКСПОРТ ҚИЛМОҚДА

Қизилўрда вилоятида бу йил етиширилган қамишлар Германияга экспорт қилинмоқда.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг маълумотларига кўра, Германияда уйларнинг томлари учун тўқима саватлар тайёрлашда қамишдан ғойдаланилади. Ушбу маҳсулот бу йил биринчи марта экспорт қилинди. Ҳозирга қадар Германияга 122,1 тонна қамиш жўннатилган. Қамиш бутун дунёда кенг тарқалган. Қозогистонда 2 тури ўсади. Уларнинг энг кенг тарқалгани – оддий қамиш. Қамишдан кимёвий ишлов бериш орқали қатрон, метил спирти, сирка кислотаси ва қофоз олинади.

ҚозАхборот хабарлари асосида тайёрланди.




janubiy.kz

# Жанубий Қозогистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 16 июнь, сешанба. №57 (2832).

## ЭКСПОРТГА – МИНГ ТОННА ТАРВУЗ



Ўзбекистондаги Сардоба сув омборининг бузилиши туфайли Мақтаарал туманида 5ta қишлоқ зарар кўрди. Дастрлабки кунлардан бошлаб оғат юз берган жойга Nur Otan партияси вакиллари етиб келиб, тошқин оқибатларини бартараф этиш ишларига фаол киришиб кетишиди. Nur Otan партияси раисининг биринчи ўринбосари Б. Байбек мақтааралликлар билан учрашиб, қатор масалаларни назоратига олишганди.

## ПАРТИЯ НАЗОРАТИДА

Элбоши ташаббуси билан ташкил этилган “Биргамиз!” жамғармаси партия назоратига олинди. Мирзакентда 20та ўй барпо этиляпти. Шу билан бирга мизачўлликлар экин майдонларини тиклаш, техникаларни ёнилғи билан таъминлаш масаласини ҳам илгари суришган эди. Бу ариза партия назоратига олинди, бугунги кунда Мақтаарал ту-

манидаги экин майдонлари тикланяпти. Умуман туманда хўжаликларга 4160 тонна ёнилғи ажратилган. 25 майда сув босган худудлардаги экин майдонларини қайта ишлаб, уруғ қадаш учун кўшини Ўзбекистон ёрдам сифатида 243,6 тонна чигит, 15та чизель агрегати, 11та ер юмшатгич, 124та дон сепиш ва бошқа маҳсус техникаларини юборди. Nur

Otan партиясининг Мақтаарал туман филиали раисининг биринчи ўринбосари Д. Асабаевнинг маълум қилишича, дехқонларнинг илтимосига кўра ерни қайта ишлаш, пахта экиши ишлари юксак даражада бажарилмоқда.

Nur Otan партияси Туркистон вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари Б. Тажибаевнинг айтишича, аҳоли талаби ва илтимосларининг ижобий ҳал этилиши доим партиянинг эътибирида.

– Мақтааралдаги фавқулодда ҳолатга доир партия вакиллари тинимсиз ишламоқда. Бугун Мирзакентда “Биргамиз!” жамғармасининг ёрдами билан солинаётган 20та ўйнинг қурилишини партия филиали ўз назоратига олди.

Nur Otan партияси Туркистон вилоят филиали матбуот хизмати.

## ЖАДАЛ АҲБОРОТ!

Ҳозирги кунда Туркистон шаҳар марказий касалхонасига тумов белгилари билан шифкорлар ёрдамига муројаат қилувчилар сони кўпайди.

Беморларда тана ҳароратининг кўтарилиши, ўттал ҳамда ҳолсизлик белгилари сезилади. Тиббий текширувлар натижасида bemorlarда пневмония, яъни ўлқа шамоллаши аниқланмоқда. Касалхонага тушган bemorlardan зудликда COVID-19 инфекциясига тест олиниди.

Таҳлил натижалари чиқунга қадар улар проvizorlik бўлимда даво қабул қилишади. Тескари натижага аниқланганлар касалхонага жойлаштири-



либ, тегишли муолажани давом эттиришмоқда. Беморлар асссан пневмония чалинган.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Туркистон вилояти бўйича провизорлик касалхоналарда 303 bemor пневмониядан даволанмоқда. Жами, 87 киши тузалиб чиқан.

Атрофдаги ахволни эътиборга олиб, барчани инфекция тарқалишига йўл бермай, тиббий ниқоблар тақиб, эҳтиёт чораларини кўришга чақирамиз!

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

## ● Обуна – 2020

## “ЖАНУБИЙ ҚОЗОГИСТОН” газетасига обуна бўлинг!

Матбуот – жамиятнинг кўзгуси, кундалик ҳаётимизнинг ойнаси, шитоб билан ўтиб бораётган умрлаҳзаларининг қозодаги инъикосидир. “Жанубий Қозогистон” – республикамиздаги ягона ўзбекзабон давлат нашри, унда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз ҳақидаги ранг-баранг мақолалар, янгиликлар, турфа ҳангомалар она тилимизда эълон қилинади.



Хурматли юртдошлар! «Жанубий Қозогистон»-га 2020 йилнинг иккинчи ярми учун обунани расмийлаштиришга шошилинг!

“Қазпочта” ҲЖ орқали:  
Шимкент шаҳри учун – 2590, 85 тенге;  
тумнлар учун – 2911, 20 тенге.  
Шимкент шаҳри учун таҳририят орқали бевосита обуна баҳоси – 1600 тенге.

## ҚУРУВЧИЛАР МАҲОРАТ САБОГИНИ ЎТИШДИ



Туркистан вилояти ҳокимилиги ташаббуси билан Nur Otan партиясининг Мақтаарал туман филиали Фирдавсий қишлоғи аҳолиси ва қурувчи мутахассислар учун маҳорат сабогини ўютишиди. Ундан мақсад – аҳолига янги касб ўргатиб, бошпаналарнинг сифатли ва талабга мувофиқ барпо этилишига имкон яратиш. Сабоқ амалий машғулот шаклида ўтди. Тадбир доирасида аҳолига уй пойдеворини кўйиш пайтида қанча цемент қўшиш

кераклиги, ғишт теришда қандай талабларга риоя этиш зарурлиги атрофлича тушунирилди. Ҳатто мутахассислар қурилиш талабларининг ҳар бир жиҳати бўйича маслаҳат беришиди.

– Бугун қишлоғимизда аҳоли уй солишини бошлаб юборди. Давлат 17 млн. тенгемизнинг тенг ярмини ўтказиб берди. Қурилиш суръатини сусайтираслигимиз керак. Бугун маҳаллий партия маҳорат сабоги ўютишиди. Бу биз учун

ўта зарур эди. Зоро, аҳолининг кўп қурилиш ишларининг талабларига риоя қиласвермайди. Шуни этиборга олган фидойилардан миннатдормиз, – дейди Фирдавсий қишлоғи тургуни Муҳаммаджон Мирзахўжаев.

Айни дамда фирдавсийликлар давлатдан ажратилган маблағларига уй қуришни давом эттиришишмоқда.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## ТАДБИРКОРЛАР ЖАРИМА ТЎЛАШАДИ



Туркистонда умумий овқатланиш корхоналари ва меҳмонхоналар карантин қоидаларига риоя қилмаяти.

Вилоят бош санитария шифокори раҳбарлигига ҳокимлик, полиция ходимлари, ОАВ вакиллари шаҳардаги қатор жамоат жойларига рейд ўтирилди. Мониторинг давомида 4 та тезкор гурух 20дан зиёд иншоотларни бориб кўрди ва қатор камчиликларни аниқлашди. Рейд давомида умумий овқатланиш корхоналари соат 23:00дан кейин очилгани ва ташриф буюрувчилар сони жуда кўплиги маълум бўлди. Қаҳвахонада мижозлар ниқоб киймайдилар ва ҳатто гигиена қоидаларига амал қилмаслиги маълум бўлди.

Полиция ходимларининг қайта-қайта тақорлашидан сўнг одамлар тарқалди. Бундай камчиликларга йўл қўйган қаҳвахона соҳибларига нисбатан маъмурӣ ҳужжатлар рас-

мийлаштирилди. Баъзи қаҳвахоналарда тадбиркорлар тезкор гурух вакилларини кўриб, чироқларни ўчириб қўйишиди. Карантин қоидаларига риоя қилмаслик меҳмонхоналарда ҳам қайд этилди. Бу ерда ҳам ходимлар ниқоб киймаганлиги ва келувчиларга антисептик воситаларни қўллашни унутганлиги маълум бўлди. Шунингдек, СЭС белгиланган вақтдан кўпроқ вақт мобайни-

да хизматлар кўрсатishi ҳақида хабар берилди. Умуман олганда, мутахассислар биргина Туркистан шаҳрида карантин жорий этилганидан бери 130 дан зиёд тадбиркорга жарима солингланлигини маълум қилишибди. Улар орасида қаҳвахона ва меҳмонхоналар соҳиблари ҳам бор.

**Казинформ.**

Ўтган йилларда Тўлебий тумани худудининг бир қисми Шимкент шаҳри тасарруfiga ўтди. Демак, туман мегаполисга янада яқинлашиди. Бу туманнынг бунёдкорлик ва ободончилик борасидаги масъулиятини ўн чандон оширади.

Туманга киравериша кўплаб техника, юқ машиналари иштирокида йўл тикиланётган бўлса, шаҳар ва қишлоқларда ижтимоий-маданий иншоотлар қурилиши бошлаб юборилди. Туманнинг кичик мавзелари эса ҳақиқий қурилиш майдонига айланди. Уларнинг барчасида инфратузилмалар ўтказиш ниҳоясига етмоқда.

Хуллас, қаерга борманг, янгиланиш, бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз.

Туман ўй-жой-коммунал хўжалиги, йўловчилар транспорти ва автомобиль йўллари бўйими бошлиги М. Сатилдиев ана шулар ҳақида гапириб берди.

– Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, туманимизда ҳам аҳолининг ҳаёт сифати ва турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган кўламдор ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли манзилларининг мөъморий қиёфа-

## БУНЁДКОРЛИК, ОБОДОНЧИЛИК, ФАРОВОНИЛК

сини миллий анъана ва замонавий шаҳарсозлик талабларига мувофиқ тубдан яхшилаш, йўл-транспорт, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, таълим ва тиббиёт муассасалари, маданият ва спорт иншоотларини модернизациялаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, сув ва иссиқлик таъминоти тизимлари, электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш ва таъмирлаш одатий ишларга айланди. Туманда 2020-2022 йиллар давомида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, 1 Мамир ва Зертас қишлоқ округига кўчаларни ободонлаштириш учун туман бюджетидан маблағ ажратилиб, у тўлиқ ўзлаштирилди ҳамда қурилиш ишлари якунига етди. Кўчаларни давлат комиссияси қабул килиб олди. Энди ҳомийлар ёрдамида ушбу ҳудудда акваларк ва мусиқий фаворалар, спорт майдончалари, савдо ҳамда аҳолига майший хизмат кўрсатиш

шоҳобчаларини қуриш, «Болалар боғи» хиёбонини барпо этиш режалаштирилган. Унда замонавий аттракционлардан ташқари, теннис корти, кичик стадион ва сузиш ҳавзалари ўрин олади. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳам шаҳардан қолишмайдиган масканлардан бирига айланади.

Ленгер шаҳрида жорий йилда кўп қаватли уйлар атрофи кўкаломзорлаштирилган.

Қадимда бир одам бепоён кенгликларга чиқиби-да бир майдонни белгилаб, тўсик билан ўрай бошлабди. Ундан нима қиласяпсан, деб сўрашса, боғ қилмоқчиман, деган экан...

Шаҳардаги кўп қаватли уйлар атрофиға тўсиклар ўрнатилиб, ўша манзилда гуллар, манзарали ва мевали дарахтлар экилмоқда.

– Аҳолини ичимли сув ва табиий газ

## Мактабларни текшириди

Туркистан шаҳри ҳокими Рашид Аюпов «Бандлик йўл ҳаритаси» дастури доирасида жорий таъмирлаш ишлари юритилаётган мактабларни оралди.

Бугунги кунда 26ta мактаб, 1ta болалар боғчасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Асосан, эшик-дерезалар алмаштирилиб, янги поллар тўшалмоқда, деворлар тартибга келтирилмоқда.

Ҳоким, айниқса, иссиқ сув, қўл ювиш жойларига алоҳида этибор бериши тайинлади.

У мактабларни текшириш чоғида йўлакларни пардозлаш, тартибсиз ўсган дараҳатларни пардозлаш, шунингдек, синф хоналари эшиклирадаги таҳтачаларга оид

таклифларини айтди.

Шу билан бирга, Н. Тўреқулов номидаги 8-сонли ўта мактаб олдида хиёбон ва майдонча очилишини маълум қилди.

Умуман олганда, қурилиш ишларига 300га яқин одам жалб этилган бўлса, унинг ярмидан зиёди юқоридаги давлат дастури асосидаги ишсизлар. Таъмирлаштузатиши ишларида тер тўкаётган компанияларнинг тенг ярми маҳаллий биродарларликлар.

Текширув-тафтиш ишларида катнашган ҳоким пурратчи компаниялар фаолиятига муваффақиятлар тилади.

**Туркистан шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.**

## ИЖТИМОЙ МАСОФАНИ САҚЛАШ 2022 ЙИЛГАЧА ТАЛАБ ЭТИЛИШИ МУМКИН

**2022 йилгача ижтимоий масофани сақлаш талаб этилиши мумкин. Бу ҳақда Қозогистон Соғликини сақлаш вазири Елжан Биртанов маълум қилди.**

«Ҳозирги кунда дунёнинг баъзи мамлакатларида ва Қозогистонда коронавирус инфекциясининг иккинчи тўлқини давом этмоқда. Май ойининг охирида карантин талаблари юштилгандан кейин мамлакатда иккинchi тўлқин бошланди. Афсуски, COVID-19 вирусини юқтирганлар сони кескин ошиди», – деб ёзди вазир ижтимоий тармоқдаги саҳифасида. Унинг сўзларига кўра, яқинда Гарвард университети соғликини сақлаш мактаби профессори томонидан илмий мақола чоп этилди. Унда муаллиф SARS-CoV-2 коронавируснинг тарқалишини бета-коронавирус мавсуми, иммунитет ва қарши иммунитет

тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқди. «Куз-қиши даврида SARS-CoV-2 тақорланиши тахмин қилинмоқда ва 2022 йилгача ўртача ижтимоий масофани сақлаб қолиш талаб этилиши мумкин.

Вазирнинг сўзларига кўра, энди инфекциянинг тарқалишини чеклашга қаратилган чора-тадбирлар ва карантинни енгиллаштириш ва уни вақтнча турмуш тарзига жорий этиш бўйича хавфсиз чоралар ўртасида умумий мувознатни топиш керак. «Коронавирус бизни янада кўпроқ муаммоларга олиб келиши аниқ. Шунинг учун биз ушбу чораларга этибор қаратишимишиз керак», – деди Елжан Биртанов.

**ҚозАхборот.**

## ЯНА БИР ПОРАХЎР ҚЎЛГА ТУШДИ

Келес туман ҳокимлиги «Ўй-жой коммунал хўжалиги бўлими» давлат муассасаси раҳбари 30 млн. тенге пора олганликда гумон қилинмоқда, дея хабар беради жиноятчилик бўйича судгача суршиширув ишлари бошланди.

Унга жиноятчилик бўйича судгача суршиширув ишлари бошланди. Гумондор шахс Туркистан вилоят Пбнинг Сариоғоч туманиндағи вақтинча сақлаш ҳибсонасига жойлаштирилди.

**КазТАГ.**

# ЭКСПОРТГА – МИНГ ТОННА ТАРВУЗ

Эрта күкламда ерга уруғ қадаган дәхқон бо-  
бо бугун илк ҳосилини ийгіб олмоқда.

Жұмладан, мақтаараллік дәхқон хұжаликпари 1000 тонна тарвуз ва 20 тонна қовунні МДХ мам-  
лакатларыга экспорт қилишди.

Буни туман қишлоқ хұжалиги бўлимининг раҳ-  
бари Фалим Дўйсенбеков маълум қилди.

Вилоят ҳокими Ў. Шўкеевнинг топшириғига би-  
ноан, бир экин майдонидан 2-3 марта ҳосил олиш  
лойихаси туманда ижбий натижә берәтири. Жамбил қишлоқ округига қарашиб Жалин қиши-  
логида жойлашган “Жорабек” дәхқон хұжалиги  
эртапишар ҳосилни дастлаб Беларусь давлатига  
жүннатига эришиди. Хұжалик раҳбари Р. Қалди-  
баев тарвузнинг “Долби” навидан 60 кунда илк ҳо-  
сил олишга муваффақ бўлди. Куни кеч 25 тонна  
тарвузни юклаб, чет элга жўнатди.

Тарвуздан сўнг беда экиб, бир йилда иккى мар-  
та ҳосил олишини режаламоқда.

Айтиш жоизки, ўтган йили туманда 300 минг  
тонна полиз экинлари етиштирилиб, қишлоқ хұ-  
жалиги маҳсулотларининг умумий миқдори 44,9  
млрд. тенгени ташкил этган эди.

**Вилоят минтақавий  
коммуникациялар хизмати.**



## КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИ ЮҚТИРГАН ЧАҚАЛОҚ

Дунё эшигини очганига атиги 11 кун бўлган гўдак Туркистон вилоят болалар касалхонасига ет-  
казилди. Сайрам туманидан оғир аҳволда олиб келинган норасида зудлик билан жонлантириш бўли-  
мiga ётқизилди.

Олиб борилган ташхис тадбирларидан сўнг маълум бўлишича, болада туғма юрак хасталиги бор

екан. Қолаверса, янги туғилган чақалоқда пневмония ва коронавирус аломатлари ҳам аниқланган. Вилоят болалар касалхонасининг кардио-жарроҳи А. Байсалов етакчилигига зудлик билан чақалоқнинг юраги операция қилинди. Икки соатга чўзилган жарроҳлик муваффақиятли ўтиб, боланинг қон айланиш тизими ва қон босими меъёрга келди.

**Келес тумани, Бир-  
тилек қишлоқ округи-  
даги “Нуржан” дәхқон  
хұжалиги 2011 йил-  
дан бўён иссиқхона  
мажмуасини ривож-  
лантириб келмоқда.  
Бу ерда помидорнинг  
40та нави етиштирил-  
моқда. Ҳозирги кунда  
хұжалик иш бошқа-  
рувчиси Нуржан Үма-  
ров 4,5 гектар ерга  
помидор эккан. Ундан  
ҳар куни 15 тоннага  
яқин ҳосил олиб, ма-  
ҳаллий бозорга жўна-  
тилмоқда.**



## ПОМИДОРНИНГ ҚИРҚҚА ЯҚИН НАВИ ЕТИШТИРИЛМОҚДА

Бундан ташқари, иссиқхона маж-  
муасида бақлажоннинг иккى тури  
ва бодринг, қулупнай ҳам етишти-  
рилмоқда. Хұжаликнинг умумий ер  
майдони – 11 гектарни, иссиқхона  
майдони – 5,6 гектарни ташкил эта-  
ди. Бугунги кунда 10 одам доимий,  
35 одам мавсумий иш билан таъ-  
минланган. Мажмуанинг ўзгачалиги –  
илғор технология асосида аҳоли-  
ни сабзавот ва турли кўчатлар билан таъминлаш. Айтганча, хұжалик  
иссиқхона мажмуасига зарур уску-  
наларни ҳам ўзи ишлаб чиқариш  
билан шуғулланмоқда.

ОАВ вакиллари учун ташкил этилган матбуот сафари доирасида журналистлар Келес туманиндағи полизчи-дәхқонлар билан ҳам танишиши. “Жамбил” ишлаб чиқариш ширкати 80 гектар майдонда тар-  
вуз етиштиришмоқда. Ўтказилган кўчатлар сони – 800 мингта. Ҳар тупдан 3,5-4 килограммдан ҳосил

олмоқчи. Уни маҳаллий бозор ва  
Россияга жўннатишади. Ишчилар  
сони – 5 киши доимий ва 60 нафари  
мавсумий иш билан машғул.

Шунингдек, Келес туманида оби-  
кор ерларни кенгайтириш мақса-  
дидаги каналлар қазилмоқда. Мин-  
тақадаги каналларнинг аксарияти  
Келес ўзанидан тарайди. Ўтган  
йили узунлиги 120 чақиримли 28  
канал ва 10та сунъий сув тармоқ-  
ларига жорий таъмир ва механик  
тозалаш ишлари олиб борилган. Шу  
каби ишлар бу йил ҳам давом этиб,  
минтақа дәхқонларининг илтимоси  
қаноатлантирилмоқда.

Йил сўнгига қадар режага муво-  
фик, узунлиги 117,6 чақиримли 24та  
каналларда тозалаш ишлари олиб  
борилади.

**Вилоят минтақавий  
коммуникациялар хизмати.**

## ПРАЙМЕРИЗ ОНГ ВА ТАФАККУР ТАРОЗИСИ

Праймериз... Бу иборани сайловлар  
яқинлашиб қолганда тилга оламиз.  
Праймериз, оддий тил билан айтганда,  
партияning ҳар мин-  
тақада ўтказадиган ички сайлови.

Қадим замонлардан маълумки, ҳар қишлоқ-овулларда за-  
рурат пайдо бўлган вақтда, одамларнинг  
ўзлари ҳамкишлопла-  
ри орасидан муносиб раҳбар танлаб, шу  
минтақани бошқариш вазифасини унга юклашган. Бу кўпроқ қозоқ ҳалқида  
учраган. Масалан, ҳалқ орасида ўзининг ташкилот-  
чилиги, гапга чечанлигини намойиш этиб, танилиши  
истаган кишилар ҳалқ ўртасидаги турли баҳс-муно-  
зарапарга аралашиб, ўз куч-истеъодларини синаб  
кўришган. Ҳокимлик тизгинини қўлга олиш умидида  
бўлган даъвогарлар эса эл-юрт ораламай, юрт оқсо-  
қолидан фотиҳа олмай, ишга киришмаган. Одамларга  
сўзини тинглатиб, синатиб, кейин эл-юртга раҳбар  
бўлган экан. Унинг ҳалол ва адолатли эканини эса  
кенг жамоатчилик аниқлаб, баҳолаб турган.

Буюк даштда мавжуд бўлган ушбу демократия бел-  
гиси буғунги кунда яна долзарб. Қадимги одат янги  
шаклда ҳәттимизга кириб келмоқда.

Элбоши Н. Назарбаев ташаббуси билан Nur Otan  
партияси ҳам ички саралашдан ўтмоқда, яъни ҳалқа-  
ро тажрибага мувофиқ – праймеризни бошдан кечир-  
моқда. Праймериз – партияning фаол аъзолари ва  
етакчилигини аниқлаш.

Жорий йил 5 марта бу жараён учун лойиҳа қабул  
қилинди. Элбоши праймериз ўтказиш ҳақидаги қарор-  
ни тасдиқлади. 5 июнда эса партияning расмий сай-  
тида партия сиёсий кенгаши тасдиқлаган партияний  
саралашни ўтказиш қоидаси эълон қилинди.

Шундай қилиб, 2020 йил 17 август ва 3 октябрь  
оралиғида Қозоғистон тарихида ил бор праймериз  
жараёни ўтказилади. Унда партия қадриятларини  
тарғиб этадиган, 25 ёшга тўлган Қозоғистон фуқароси  
қатнашишга ҳақли. Агар партия аъзоси бўлмаса, пар-  
тия сафига кўшилиб, праймериз иштирокчиси сифа-  
тида рўйхатдан ўтади.

### БУ СИЁСИЙ ЖАРАЁН НИМА УЧУН КЕРАК?

Биринчидан, Парламентни персонализациялаш  
учун. Яъни қозоғистонлар Парламентга даъвогар  
бўлган шахсларни “элақдан ўтказиш” имконини қўлга  
киритишиди. Уларнинг эл-юрт олдида нутқ сўзлаб,  
ўз дастурларини ҳимоя қилишганига гувоҳ бўлиши-  
да. Очиқ беллашуввлар орқали жамоатчилик бўлгуси  
йўлбошчининг, яъни ҳокимият эгаси – депутатнинг  
фаҳм-фаросати, дунёқараши, теран масалаларни  
ечা олиш-олмаслигни хислати билан яқиндан таниша-  
ди, кузатади, баҳолайди.

Бугунги кундаги талаб ҳам шу, депутат энг аввало,  
воиз, сўзга уста, ўз ортидан одамларни эргаштира  
олиши қобилиятига эга бўлиши керак. Чунки, унинг  
фаолияти аҳоли билан учрашиш, хорижлик делега-  
циялар билан мулоқот қилишни ҳам қамрайди. Агар у  
ўз ўй-фикрини, нуқтаи назарини тўлиқ етказа олмаса,  
нутқи равон, сўзи тиниқ бўлмаса, уни ким ҳам тинг-  
лайди?

Масалан, АҚШ, Европада праймеризда қатнаша-  
диган номзодлар энг аввало, нутқ маданиятини теран  
ўзлаштирган, махсус тренинглардан ўтган бўлиши  
керак. Оғиздан сўзи тушиб, фикрини эплаб етказа  
олмайдиган шахсларга сайловчилик ҳам овоз бер-  
майди. Қолаверса, сўз айтишувларида қозоқ тилида  
кўйилган саволларга муносиб жавоб бериши ҳам  
муҳим талаб.

Демократик талабларга риоя қилиш учун Қозоғистон  
ҳам етакчи партияси таркибида ушбу ташаббуси  
жорий этди. Бу ғояни бошқа сиёсий партиялар ҳам  
кўплласа, ажаб эмас.

**Ғанишер РАЙМҚУЛОВ,**  
**Сайрам туман маслаҳат депутати,**  
**туман ўзбек этномаданият  
бирлашмаси раиси.**

## ● Давлат дастурлари – амалда

Бугунги кунда ишсизликни бартарап этиш – күннинг мұхим масалаларидан бири. Шу боис, иш билан таъминлаш – Хукуматнинг дикқаты марказида. Давлат ажамиятига эга дастур жойларда қандай амалга ошмоқда? “Бандлик – 2020” дастури доирасыда Қазиғұрт туман иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий дастурлар бўлими қатор ишларни олиб бормоқда.



# ИЖТИМОЙ СОҲАДА ЎСИШ БОР



Чунончи, туманда 2020 ийнинг уч ойда 250 янги иш ўринини очиш режаланган бўлса, бу кўрсаткич 287га етказилди. Пулли жамоат ишлари доирасида бир қанча фуқаро овулни кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этилди. Доимий ва вақтнча ишга 3 ойда жами 1 198 киши жалб этилиб, режа 144 фоизга бажарилди. Имконияти чекланган фуқаролардан 40 нафари ишга тортилиб, бу соҳада режа 148 фоизга бажарилди. Туманда ишсизлик даражаси 4,9 фоизни ташкил этади, ёшлар орасидаги ишсизлик кўрсаткичи эса 1,4

фоизга тенг.

Натижали иш билан таъминлаш ҳамда оммавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2017-2021 ийларга мўлжалланган “Меҳнат” давлат дастурига уч ойда 1626 киши жалб қилинган.

Шунингдек, туманда она ва боланинг ижтимоий ахволини яхшилаш, даромади кам оиласларга кўшимча ижтимоий қўллов чораларини кўрсатиш йўлга кўйилган. Жорий ийл туман бюджетидан уй-жой кўмагига 21 325 минг тенге ажратилиган.

2020 ийлги манзилли ижтимоий ёрдам учун 1 164 247 минг

тенге бўлинди. Шундан 967 399 минг тенгеси республика бюджетидан, 196 848 минг тенгеси туман бюджетидан кўзда тутилган.

Йил бошидан бери туман миқёсида турмуши ночор оиласларни кўллаб-куватлаш мақсадида “Фамхўрлик” дастури амалга оширилмоқда. 13та қишлоқ округи бўйича ижтимоий ёрдамга мухтоҷ 86та кам таъминланган оила аниқланиб, уларга ҳомийлар биритирилди.

Туман бюджети ҳисобидан УВУ фахрийлари ва уларга тенглаштирилган 16 нафар шахс 2020 ийл учун 120,1 минг тенгега даврий нашрларга бепул обуна қилинди. Муҳтоҷ ногиронларни “Инвактси” хизмати билан таъминлаш учун туман бюджетидан 5 409 минг тенге ажратилиб, 2020 ийлнинг уч ойда 45 ногирон ушбу хизматдан фойдаланди.

“Бандлик-2020” дастури туфайли ишсизлар сони ҳамда ижтимоий кам таъминланганлар қатори анча камайди.

**Аймен ЎСЕРБАЕВ,**  
туман бандлик ва  
ижтимоий дастурлар  
бўлими раҳбари.  
Қазиғұрт.

## ХОРИЖ АВТОМОБИЛЛАРИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ МАН ЭТИЛАДИ

Қозоғистон Республикасининг 2003 ийл 4 июлдаги 476-сонли “Автомобиль транспорти тўғрисида” Қонунига мувофиқ, хориж автотранспорт воситаларининг элимиз ҳудудида йўловчилар ташиш билан шуғулланиши тақиқланади.

Бундай қонунбузарлик учун ҚРнинг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида” кодексига асосан, ваколатли органлар томонидан ойлик ҳисоб кўрсаткичининг 100 баравари миқдорида, яъни 211 800 тенге жарима

солиш кўзда тутилган.

Шунинг учун, вилоят йўловчилар транспорти ҳамда автомобиль йўллари бошқармаси транспорт ҳайдовчилари дикката тиғ транспорти ёрдамида йўловчиларни ташиш мумкин эмаслиги ҳамда вилоят ахлига бундай автомашиналарга ўтираслик зарурлигини эслатади. Бошқарма ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида доимий рейд чораларини ўюштиримоқда.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**



## ЙЎЛКИРА ОШМОҚДА!?

Олтинчи чақириқ Шимкент шаҳар маслаҳатининг олтмиш бешинчи сессияси ўтди. Кун тартибидаги 26та мақала кўрилди.

Чунончи, сессияда шаҳар ҳокимлигининг 2019 йилги бюджет ижроси юзасидан ҳисботи тингланиб, бюджетта ўзгаришлар киритилди. Шунингдек, “Ракамли Қозоғистон” дастурига кўра, Шимкентдаги жамоат транспортлари хизматини яхшилаш мақсадида баҳоларни саралаш масаласи кўрилди. Энди шаҳарликлар янги тизимга мувофиқ жамоат транспортида йўлкирии электрон тарзда 70 тенге, нақд 100 тенге тўлашадиган бўлади.

Бундан ташқари, шаҳардаги тўртта туман ҳокимлари бажарган ишларининг ҳисботи тингланиб, мактабгача таълим тизимининг ахволи мухокама қилинди.

**Шимкент шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.**



## ЯНА 590та ЯНГИ АВТОБУС

Шимкентда жамоат транспорт парки янги автобуслар билан бойиб, янги бекатлар кўрилади.

Яқин кунларда Шимкентда жамоат транспортини яхшилаш мақсадида янги тизим йўлга кўйилди. Эндиликда транспорт соҳасига доир масалалар навбати билан ечимини топади.

500 тенгелик тўлов карталари август ойидан савдо марказлари ва дўйонларда сотила бошлади. Шаҳарга йил охиригача 590та автобус олиб келиниши режалаштирилган. Ниҳоят, шимкентликлар тиқишинч кичик автобуслардан қутулади,

янгилари хизмат кўрсатишни бошлади.

26 ўринга мўлжалланган экологик тоза автобуслар йўловчилар ҳамда имконияти чекланган кишилар учун ҳам кулай. 14 минг тенгелик бепул тўлов картаси УВУ фахрийлари, “Алтин алқа”, “Кумис алқа” соҳибалари, имконияти чекланган кишиларга берилади. Шу билан бирга, 11та олий ҳамда махсус ўқув юрти талабаларига ҳам карта берилади. Мутахассисларнинг айтишича, 17та йўналиш ёпилиб, 14та янгиси очилиши кутилмоқда.

**М. УСМОНОВА.**

## ● Республика янгиликлари

### ДИПЛОМ – ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА


Жорий ийлдан бошлаб ОЎЮ ва коллеж битирувчилари дипломни электрон шаклда олишади.

Буни ҚР Таълим ва фан вазирининг ўринбосари Рустем Бигари маълум қилди.

– Жорий ийлдан бошлаб барча ОЎЮ ва коллеж битирувчилари дипломни электрон турда олади. Барча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу нима учун керак? Иш берувчи ва фуқароларда дипломнинг соҳта эмаслиги, сифатига оид саволлар туғилиши шубҳасиз. Дипломини тасдиқлатиш учун иш берувчи ва ёш мутахассиснинг кўп вақти кетади. ТФВга йил сайн дипломнинг қонуний эканлигини тасдиқлатиш учун 500 минга яқин ариза келиб тушади. Бунга кўп вақт кетади, – дед таъкидлари Р. Бигари.

Унинг айтишича, 1992 йилдан кейинги 2,5 млн. диплом маълумотлар базасига киритилган. Айни пайтда ОЎЮни 1992 йилгача битиргандарнинг тарихий маълумотлари йигилмоқда.

– Жорий ийл биз барча дипломларни рақамлаштиридик. Таълим ва фан вазирлиги сайтидан базага киритилган дипломни онлайн тартибда текшириш мумкин. Иш берувчининг ҳам, ишлайдиган фуқаронинг ҳам вақти ва пули тежалади. Энди дипломнинг қонуний эканлигини тасдиқлаш учун нотариусга бориб, пул тўлашнинг хожати йўқ. Йил сўнгигача бу ишни тўлиқ якунлаймиз, – деб таъкидлари Р. Бигари.



### ЭСКИ 500 ТЕНГЕ МУОМАЛАДАН ЧИҚДИ

Қозоғистон Миллий банки 2006 йилдаги 500 тенгелик банкнотларнинг параллел муомаладаги даври 2020 йил 10 июнда тугаганинги маълум қилди.

2020 йил 10 июндан бошлаб 2006 йилдаги 500 тенгелик банкнотлар қонуний тўлов воситаси бўлмайди. Бундан бўён 2017 йилдаги 500 тенгелик банкнотлар муомалада бўлади ва ҚР ҳудудидаги барча тўловлар, шунингдек, банк ҳисоб варақаларига олиш ва ўтказиш учун қабул қилинади. Барча банклар ва Миллий почта оператори чекловларсиз қабул қилиш, олиш ва ўзатиш мажбуриятини оладилар.

## ИСТЕМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ – ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

Қозоғистон Парламенти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларга тузатишлар киритди.

Сенатнинг пленар мажлисида икки ўқишида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзgartартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

Хусусан, қонун истеъмолчиларга шикоятларни «ягона дарча» асосида кўриб чиқиш имконини беради, истеъмолчилар жамоат бирлашмаларини эса жамоатчилик назоратини ўтказиш ваколати билан таъминлайди.

### СУД ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР – ЯНГИ БОСҚИЧДА

ҚР Президенти судларга ишларни томонларни чақирмасдан кўриб чиқишига имкон берадиган ўзгартишларни имзолади.

Давлат раҳбари ҚР Фуқаролик процессуал кодексига замонавий суд шаклларини жорий этиш, суднинг ортиқча тартиблари ва харажатларини камайтирувчи ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни имзолади.

Унда суд оддий масалаларни томонларни чақирмасдан кўриб чиқадиган мейёрлар мавжуд. Ишларнинг соддалаштирилган (ёзма) тартибидагиси электрон шаклда кўриб чиқилади.

Қонунда электрон баёнот, жараёнда масоғадан қатнашиш, электрон ва башқа техник воситалардан фойдаланиш сингари бошқа янгиликлар ҳам кўзда тутилган.

Қонунга киритилган ўзгартишлардан мақсад – суд тизими ишларни қилиш ва фуқаролик процессуал қонунчилигини таомиллаштириш ҳамда замонавий электрон хизматларни жорий этишдан иборат.

КазТАГ.

## • Обуначиларимиз орасида

# Аср юзини күрган онахон ёки Шаҳодат аянинг тилаклари



Доимий жамоатчи, жонкуяр обуначимиз, «Халқ ҳурмати» медали соҳиби, тадбиркор Мирзахон Акесов тавсияси билан Туркистоннинг кўхна маҳаллаларидан бири – М.Султонов кўчасидаги 18-хона-донда истиқомат қилиувчи 100 ёш арафасидаги Шаҳодат ая Валиеванинг хонадонида бўлиб, мақола тайёрладик.

Шаҳодат ая худо хоҳласа келаси 2021 йили февраль ойининг биринчи ҳафтасида 100 ёшни қаршилайди.

Нафақага қадар Туркистондаги темирийўлда ишлаган. Умр йўлдоши, УВУ фахрийси Абдужаббор Валиев билан Райхон, Обод, Нурхон, Махфират, Абдували, Фарида, Ҳасан-Зухра исмли саккиз фарзанд 47 невара, 67 эвара кўрган пири бадавлат оила соҳибаси. Шаҳодат аянинг ҳурматини жойига қўйиб, эъзозлаб келаётган келини Ҳалима Сулаймон қизининг ўзи олтмишдан ошган, тўрт фарзанд кўриб, нева-

ралар тарбиялаётган баҳтили она. Онахон 100 ёшга тўлгунга қадар шаҳардаги мутасадди ташкилотлардан бир аср умр кўрган фуқароларга, меҳнат фахрийларига қандай имтиёзлар борлигини аниқлаб қўшимча маълумот беришга аҳд қилдик.

Ҳаётда ҳалолликни, қоноатни, меҳнатни, яхшиликни қадрлашни мақсад тутган табаррук ёшдаги Шаҳодат ая кўхна Туркистондаги бугунги бунёдкорлик ўзгаришлар, янгиликлардан беҳад хурсанд ҳолда кўлларини дуога очиб элга, юрга тинчлик, маъмурлик, Туркистонга тараққиёт тилади. Онахоннинг тилаклари ижобат бўлсин.

## Ш. МАДАЛИЕВ.

**Тасвира:** Шаҳодат ая келини Ҳалима Сулаймон қизи ва невара, эваралари билан.

Муаллиф тасвири.

## Обуначиларимиз орасида

## Ш. НИЁЗОВ НОМЛИ МАКТАБДА



Туркистон шаҳридаги тарихи теран ўқув даргоҳларидан бири – Ш. Ниёзов номли мактаб ҳисобланади. Бу даргоҳга ўтган асрдан бошлаб турли йилларда таникли, тажрибали инсонлар раҳбарлик қилган. Бугунги кунда мактабни Ҳусан Тўлаган ўғли Диметов бошқармоқда. Сўнгги йилларда янгидан бунёд этилган мактаб ҳовлиси, мактабга келадиган пиёдалар йўлаги, мактаб атрофи куршови янгидан бунёд этилди. Ўқувчилар учун қўшимча қулайликлар яратилди. Устозлик фаолиятини шу даргоҳда бошлаган Ҳусан Тўлаган ўғли ёш авлодга таълим-тарбия беришда жамоага моҳир раҳбар.

Ҳусан Тўлаган ўғлининг узоқ йиллик самарали меҳнатлари, бунёдкорлик режалари инобатга олинниб, вилоят оқсоқоллар кенгаши томонидан Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан маҳсус кўкрак нишони тақдим этилди. Мактаб жамоасига, ўқувчиларга омад, саодат ҳамроҳ бўлсин!

**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ,**  
Туркистон шаҳрининг  
фахрий оқсоқоли.

Тасвира: мукофот тақдим этиш чоғида.

## ЧОҒАЛИК ИЛГОР БИТИРУВЧИЛАР



Чоға қишлоғидаги Мехринсо Иззатуллаева раҳбарлик қилаётган В. Воҳидов номли мактабни жорий йили 13 ўқувчи битириб, мустақил ҳаётга йўлланмана олди. Уларнинг иккнинафари – Ортиқ Онажон Хуршид қизи ва Ҳўжамберди Бибимариям Мўминжон қизи «Олтин белги», Эрмат Юсуф Муроджон ўғли эса «имтиёзли аттестат» соҳиби бўлишиди. Илғор ўқувчиларнинг синф раҳбари Исломбек Исмоилов. Ўқувчиларнинг сифатли билим, онгли тарбия олишида барча устозлар жамоаси, хусусан, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Феруза Исмоилова, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Дилмира Ҳабибуллаеваларнинг саъй-ҳаракатлари мўл.

Таълим соҳаси бўйича мактабимиз ютуқлари ўтган йилгига нисбатан анча юқори. Келажакда шу анъана давом этади.

**Наргиза ИБРАГИМОВА,**  
бошлангич синфлар  
бўйича мактаб  
директорининг  
ӯринбосари.

Тасвира: мактаб раҳбари М. Иззатуллаева пешқадам битирувчи ўқувчилар билан.

йўлининг 11 чақирими ўртача таъмирдан ўтиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу йўл сўнгги 15 йилда њеч қандай таъмирдан ўтмаган эди. Ҳозирги кунда Туркистон вилояти йўловчилар транспорти ва автомобиль йўллари бошқармасининг топшириги бўйича пурратчи компания «Бирлик» МЧБ асфальтни тўлиқ янгилади.

Шунингдек, ушбу йўл бўйида

**Европа Иттифоқи  
Марказий Осиё  
давлатлари га  
пандемияга қарши  
кураш учун маблағ  
ажратди**

Европа Иттифоқининг ташки ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жозеп Боррель Марказий Осиё мамлакатлари ташки ишлар вазирлари билан видеонжуман ўтказди.

Унда қатор минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиди. Ҳусусан, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегиясини амалга ошириш, коронавирус пандемияси ва минтақавий ҳамкорлик, шу жумладан, Афғонистон билан ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Жозеп Боррель Европа Иттифоқи пандемияга қарши курашда Марказий Осиё давлатларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

**Туркия, Хитой,  
Корея ва  
Тайландга  
парвозлар 20  
июнь куни йўлга  
қўйилади**

2020 йил 20 июндан бошлаб Қозоғистондан: Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Таиланд, Грузия ва Японияга халқаро рейслар аста-секин тикланади.

Идоралараро комиссиянинг ҚРда коронавирус инфекциясининг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Соғликни сақлаш вазирлигининг тавсияларига биноан, эпидемиологик ҳолат даражасини ҳисобга олган ҳолда Жаҳон согликни сақлаш ташкилоти харитасига биноан 2020 йил 20 июндан бошлаб юқорида таъкидланган мамлакатларга халқаро рейслар очилади.

**«Томирис»  
фильми АҚШ  
кинотеатрларида  
намойиш этилади**

Қозоғистонлик «Томирис» тарихий драмасининг АҚШ худудидаги дистрибуция хуқуқини Well Go USA компанияси сотиб олди. Буни Variety, Hollywood Reporter ва Screen Daily каби салоҳиятили нашрлар маълум қилишди.

Ушбу маълумотларга кўра, Arclight Films компанияси драмани АҚШ худудида тарқатиш хуқуқини Well Go USA компаниясига сотди.

“Казахстанская правда”

жойлашган Биринчи Мамир ва Жанажўл аҳоли манзилларида пиёдалар йўлаклари тўшалиб, тунги чироқлар ўрнатилди.

Таъмиранган йўл хайдовчилари учун ўта қулай. Йўл юриш вақти бир мунча қисқаради. Шу йўналишдаги йўл таъмирангаш ишлари келгусида ҳам давом этади.

**Вилоят минтақавий  
коммуникациялар хизмати.**

# ҲАЛОЛ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН ДУНЁНИ ИСРОФ ҚИЛМАЙЛИК

Бугунги күннинг бәзъи ҳайратли жиҳатларидан бири шуки, одамларга Аллоҳнинг құлчилигини қил, десаңг, бола-чақамни ким боқади, дейди. Ривоятта қулоқ тутинг: Мусо (а.с) жамоат билан ўтирганда шундай деган: "Бугунги еб турган таомингизни эртага олиб қўяман, деманг. Эртанги кун ризқи ўзи билан келади". Азизлар, ризқни Аллоҳ Таоло ўзи беради. Ҳалқимизда ажойиб нақл бор: "Улоқ туғса ўти билан". Динимиз меҳнат қил, дунё топ, фақат ҳалолдан дейди. Аллоҳ Таоло бизларни ер юзига ҳалифа қилиб юборди. Ўн саккис минг оламда яратган ҳамма нарсаны одамга бўйсундириб берди. Бизга хизматимизни ўрнида бажарип, ҳам дунёвий тириклиникун удалаш – фарз. Иш-ҳарқатларимиз, қулчилик, ибодат ишлари билан бирга ҳалол касб, оила, давлат олдидаги жавобгарчилик каби тириклиникун ишлари ҳам ётади.

Пайғамбаримиз (с.а.в) нинг олдидан бир киши ўтди. Уни кўрган саҳобалар, ё Расулуллоҳ, мана бу одам Аллоҳнинг йўлидами, деб сўради. Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в), агар у ёш болалари учун нағаға топиш учун чиқса, ул Аллоҳ йўлида, агар уйида кекса отонасининг ғами учун чиқса, Аллоҳ йўлида, агар ўз бошини тиланчиликдан, гадойчиликдан сақлаш учун чиқса, Аллоҳ йўлида. Агар одамларга мақтаниш, риёғарчилик учун чиқса, шайтоннинг йўлида, деган экан.

Абдулла Ибн Масуддан етган ривоятда Пайғамбаримиз (с.а.в) "ҳалол фойда топишга интилиш фарздан кейинги фарз", деган. Яна бир ҳадисда Пайғамбар (с.а.в) ҳеч бир одам ўз қўл меҳнати билан топган таомдан ортиқ таом емаган, деган экан. Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадиси шарифда шундай дейди: "Одамнинг энг яхшиси бошқа одамларга фойда текказадиганларидир. Ҳалол йўл билан даромад топган, меҳнат қилишга эътибор қаратган. Ислом динида ҳаром йўл билан дунё йиғиш катта гуноҳ. Унга ўғрилик, хиёнат, зўрлик, одамларни алдаб-авраш, товламачилик, порахўрлик, пулни фоиз ҳисобига бериш орқали фойда топиш киради. Пайғамбаримиз (с.а.в)дан етган ривоятда шундай дейилади: "Ҳаромдан дунё топиб ўғсан эт (яъни одам) жаннатга кирмайди. Қулчилик ўн турли нарсадан иборат бўлиб, унинг тўққизаси ҳалол ризқ излашадир". Қуръони каримда айтилади: "Эй одамлар, ер юзасидаги нарсаларнинг ҳалол яна тоғасини енглар. Баъзи бир гуноҳлар бор, уларга намоз, рўза, ҳожилик каффорат бера олмайди. Фақат кун кўриш учун эринмай меҳнат қилиш, бола-чақасини ҳалолдан боқиш учун астойдил меҳнат қилган жон Аллоҳ йўлида эъзозлидир.

Қуръони каримда айтилади: "Аллоҳ сенларга ерни кўрпа, кўкни тепа қилиб яратди. Ҳаводан ёмғир ёғдириб, шу орқали сенлар учун ўсимликтан ризқ чиқарди. Аллоҳ Таоло кўкдаги яна ердаги нима бўлса, шунинг ҳаммасини неъмат этиб сенларга ҳавола қилди. Роббимизнинг неъматларига одам боласи фақат меҳнати билан



эришади. Ҳалол касб этиш ҳар бир мусулмон учун фарз". Одамлар орасида эътиборсиз қолаётган исрофгарчилик гуноҳи кун сайин авжига чиқаётгандигини надомат билан эътироф этамиш. Тўқчиликнинг, манманликнинг, исрофгарчиликнинг касофатига учраб, келажак авлодларга касримиз тегмаса экан, деб ўйланман. Қуръони каримда: ичинглар, енглар бироқ исроф қилмандар, дейилган. Исроф қилувчиларни Аллоҳ Таоло севмайди. Ҳалолдан топган неъматларимизни қандай қилиб исрофгарчиликка сарфлаяпмиз. Азадор хонадонда борникини сочаман, йўқнинг орқасини очаман, деган нақл ҳақида. Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат. У ўлимни сийлаш, ўлган одамга ҳурмат кўрсатиш мақсадида айтилган. Асосий мақсад – мурдани тоза ҳолида ерга топшириш. Садақаларини бериб тириклинида қилган яхши амалларини айтиб, ҳурмат кўрсатиш. Майит чиқан уйга таъзия айтиш учун борсанг, яқинларини топа олмайсан. Дастурхон ясаш учун бозорга ҳарид қилгани чиқиб кетган бўлади. Майитнинг маъракасини ўтказишида эса дастурхон азагами, тўйгами ясалганини биломай ҳайрон бўласан. Рўзгорини амаллаб тебратиб турган одамдан нега бундай қилдинг, деб сўрасанг, одамлардан уят бўлади, деб жавоб беради. Яратган Эгам олдида-чи, уят эмасми? Келганларга ҳадя – "йириш" улашишни ҳам тўхтатиш керак.

Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадисида "тириклинида берган битта тантанг ўлгандан сўнг берган минг тантангдан ортиқроқ" дейилган. Шунга амал қиласи. Шайтон азалдан одам боласини йўлдан оздириб мақтансоччиликка, такаббурликка, исрофгарчиликка чорлаб келади. Қуръони каримда туғишган қадрдонларга, фақир-мискинга, ғариб йўловчиларга ёрдам қилинглар, ҳаддан ошиб сочилиманглар, дейилади. Исрофчилар ҳақиқатан шайтоннинг оғайнилари. Шунинг учун мусулмон иши билан ҳам, сўзи билан ҳам шайтонга қарши бўлиши керак. Майиттага атаб қирк кунлик, йиллик ош бериш, катта дастурхон ёзиш одатга айланди. Бу мажбурият эмас. Бундай қилмаган одам Аллоҳнинг олдида гуноҳкор бўлмайди.

Ҳақиқий мусулмон қанча мол-

дунё топса ҳам эртага бошқалар каби биз ҳам қора ер тагига кирамиз, деб ўйлади. Шу билан бирга никоҳ тўйлари ҳам ким ошди мусобақасига ўхшаб, исрофгарчиликка йўл кўйилмоқда. Урф-одатларимизда йўқ нарсаларни сунъий ўйлаб топиб, гуноҳга ботаяпмиз. Исрофгарчилик ҳеч кимнинг обрўсини оширмайди. Мен фалончининг тўйини кўрдим, мен ҳам шундай қиламан, деб чираниш мусулмончиликдан ва одобдан эмас. Аллоҳдан кўркиб, Аллоҳдан уялайлик! Тўйлар ўтказища камтарлик одобига риоя қиласи.

Абдуллоҳ Ибн Амир (р.а)дан ривоят қилинади: "Наби (с.а.в) Рахмонга ибодат қилинг. Таомни едиринг, саломни ёйинг. Соғ-саломат жаннатга кирасиз". Ҳалқимизда тўй муносабати билан жамоатга насиҳат қилинган, урушганлар яраштирилган, беморлардан хабар олинган, уларга тўй таомларидан насибалар берилган. Тўйларда шариат кўрсатган чегарадан чиқишинг зарари кўп. Ҳаром-харис нарсаларни тановул қилиш, гуноҳ ишларни амалга ошириш, кибр, манманлик ва исрофгарчилик, ортича ҳаражат зарар етказади. Савобни йўқ қиласи. Никоҳ тўйида дастурхон харажатини кўёв тараф кўтаради. Бу ҳанафий мазҳаби бўйича суннатидир. Тўй орқали никоҳ, эълон қилинади. Келин-куёвга дуолар қилинади. Суннат тўй шариатимизда суннат амалдир. Тўй фарзанд ҳаққига дуо олиш нияти билан қилинади. Бизда эса дабдабалар кўп. Шу боис, савоб эмас, гуноҳга ботаётганимиз ёдимиздан кўтарилиб кетади.

Абу Ҳурайрадан (р.а) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в), албатта Аллоҳ уч нарсага рози бўлади, уч нарсага ғазаб қиласи: унинг ўзигагина ибодат қилиш, ҳеч нарсани унга шерик қиласи, Аллоҳнинг арконини маҳкам тутиши ҳамда Аллоҳ ишига вахий қилиб қўйғандарга насиҳатлашишингизга рози бўлади. Ёқтирамайдиган иши сизлардаги молнинг исрофгарчилиги, деди. Демак, ноҳақдан, ҳаромдан сақланиш, бехуда нарсаларга керагидан ортиқ мол сарфлашни Қуръонда «Мубазирик», яъни исрофгарчилик деб таърифлашади.

Азизлар, зинҳор ва зинҳор исрофчи бўлишдан сақланинг. Исрофгар ноҳақ сарфлашдир. Молни ноҳақ сарфлаган одам исрофчи бўлади.

Аллоҳ Субҳонаху ва Таоло ҳаммамизин ҳидоят йўлига бошлаб, шариатимизга амал қиладиганлар қаторида бўлишимизни насиб этсин.

**Жумадулла АБЕНОВ.**  
Чипон қишлоғи, Кентов шаҳри.

**P.S.** Мақола муаллифи маърифат соҳаси меҳнат қилиб, нафақага чиқсан устоз. Ҳар обуна мавсумида 25 муштариини «Жанубий Қозоғистон»га обуна қилдиришда камарбаста, жонкуяр ташкилотчи. Жумадулла Абеновга мустаҳкам саломатлик ва барча яхшиликларни тилаб қоламиз.

## Худоят сари

# ЖОЙНАМОЗДА УЗИЛГАН ЖОН

(БЎЛГАН ВОҚЕА)



Умарҳожи бува қабристонга бордию гўрковни топиб, унга:

- Бир қабр қазиб қўйинг, – деди.
- Гўрков кўлини юзига тортди:
- Аллоҳ раҳмат қилсин. Ким ўлиби?
- Ҳеч ким.
- Қабрни кимга қазийман бўлмаса? – ажабланди гўрков.
- Ўзимга.
- Ия, Умарҳожи бува, ҳазиллашшаяпсизми?
- Мен қачон бирор билан ҳазиллашувдим, ўзимга дедим-ку, бас, сизинг ишингиз қазиш. Қазиб пулини олиш.

Гўрков Умарҳожи буванинг чўрткесарлигини яхши биларди. Ади-бади айтишиб ўтирамайдиган одам. Тутган жойни кесмасдан қўймайди. Шунинг учун «хай, майли», дедио, гўр қазиша тушди. Умарҳожи бува тушдан сўнг бир хабар оламан, деб кетиб, айтган вақтда келди. Бува гўрни кўздан кечирди, ичига тушиб, ётиб ҳам кўрди. Сўнг лаҳад деворига «Ёсин» сураси ёзилган қозозни илди-да, ичкарига ит-мушук кирмасин, деган мақсадда қабр оғзига бир боф шоли похолини бостириди.

Бува шу куни ўйга қайтгач, жияни Жамолни чорлади. «От-аравани қўш», деди.

Иккаласи Қибрайнини бошдан-оёқ оралаши, ҳамманни жанозага айтишиди.

- Ким оламдан ўтиби? – сўрашарди одамлар.
- Жума куни мени чиқарасизлар, – дерди бува ҳаммага. – Пайшанба куни омонатимни топшираман.
- Э, ҳожи бува, тўқсонга боргандан ақлдан озибсиз, эҳ аттанг-а, – дейишишарди одамлар.
- Умримда биринчи марта ўз жанозасига чақирган одамни кўриб турибман, – дерди башқаси.
- Мен айтдим-қўйдим, – дерди бува.

Пайшанба куни хуфтон намози маҳал бува ўғли ва жияни ёнига чақириди:

– Жамолиддин, сен бундай ўтири, ўғлим Асилпўлат, сен рўпарамга ўтири, – деди Умарҳожи бува, – ҳозир иккимизни дуо қиласи, жойнамоз устида дуо қиласи. Мендан рози бўлнинглар.

Жамол ҳам, Асилпўлат ҳам бузил тушунишиб, ишонқирамай ўтиришарди. Бобо уларни дуо қилди, ўзи айтганидек, жойнамоз устига бош қўйди ва бошқа бошкормади, ўғли ва жияни шундагина Умарҳожи бува жон таслим қўлганини тушунишибди.

Улар кутилмаган бу ҳолдан эсанкираб, уввос солиб юбордилар.

Эртаси куни бу воқеани эшитган кишилар ҳам сал бўлмаса эс-хушларини йўқота ёзиши. Ҳалқ жума куни Умарҳожи бувани сўнгги манзилга кузатиб қолди.

Бугунги кунгача бу гап оғиздан тушмай келади. Умарҳожи бува элимизнинг суюкли санъаткори, Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Фахриддин Умаровнинг бобоси эди.

Гулшода ҚУРБОНОВАнинг  
фейсбукдаги саҳифасидан.

# ЖАСОРАТГА ТАЪЗИМ

Тадбиркор Собиржон Ота-  
жонов бунёд этган «Ясси» ёпиқ  
спорт мажмуасида Буюк Фала-  
банинг 75 йиллиги, уруш ҳам-  
да меҳнат фахрийси мархум  
Абан Содиқов таваллудининг  
100 йиллигига бағишинанган  
футбол мусобақаси ташкил  
етти.

дўстлари билан дийдорлашиб,  
учрашиш насиб этган.

Шахримиздаги А. Навоий ном-  
ли 13-сонли мактаб-гимназия  
битирувчиларининг фаол ишти-  
роидаги мусобақанинг юксак  
савияда ўтишига спорт жонкуяр-  
лари Акром Холназаров, Азиз  
Бойқўзиев ва Эркин Юсуповлар



таъкидладилар. Мусобақа якуни  
бўйича 1-урин 1992 йили, 2-урин  
1975-1977 йили, 3-урин 1987 йили  
таваллуд топган мактаб битирув-  
чиларидан иборат жамоаларга  
насиб этди. Хотира турнирга



Абан Содиқов 1920 йил 25 май  
куни Фрунзе туманида (собиқ  
Туркестон тумани) дунёга келган.  
Фронтга 1940 йили чақирилиб,  
Германия ва Япония урушларида  
иштирок этган. Жанг майдонидаги  
қаҳрамонликлари учун бир неча  
орден ва медаллар билан муко-  
фотланган. Урушдан сўнг Туркис-  
тон индустрисал - педагогика тех-  
никумидаги 1948 йилдан 1984 йил-  
гача ёш авлодга таълим-тарбия  
берган. Уруш ва меҳнат фахрийси  
Абан отага 1985-1987 йиллари  
Москва шаҳрида собиқ куролдош

ташаббускор бўлди. Жами 16  
жамоа қизғин иштирок этган  
чарм тўғт мусобақасининг ёпилиш  
тантанасида сўзга чиққан ушбу  
мактаб-гимназия директорининг  
ўқув ишлари бўйича ўринбоса-  
ри Зокир Зокиров, меҳнат фах-  
рийлари Хайрулла Шомуродов,  
Равшан Қўрманбековлар бу каби  
тадбирлар соғлом турмуш тарзи-  
ни жонлантириб, турли йилларда  
мактабни тамомлаган битируv-  
чиларнинг ўзаро дўстлик муно-  
сабатларининг мустаҳкамлани-  
шида аҳамияти катта эканлигини

Бирлашган Миллатлар Ташки-  
лотининг олтин ордени соҳиби,  
Туркестон шаҳрининг фахрий  
фуқароси Тиловберган Худой-  
берганов билан таникли меъмор  
Саъдулла Содиқовлар ҳомийлик  
қилиб, мусобақа голибларига қим-  
матбаҳо совфалар топшириши.

**Райимжон АЛИБОЕВ.**

**Суратда:** тадбир ғолиблари ва  
ташкилотчилари.

**Муаллиф тасвири.**

## “ЁТ ИЛЛАТИ ЧЕТЛАБ ЎТ!”

Ўсмирлар ва ёшлар  
 масалаларни ҳал этиш  
 – давлат ижтимоий  
 сиёсатидаги стратегик  
 ва биринчи даражали  
 мухим йўналиш, дея  
 эълон қилдик, деган  
 эди Элбошимиз Н. На-  
 зарбаев республика-  
 мизнинг фаол ёшлари  
 билан учрашувда. Бу  
 борада туманда фаол  
 иш олиб бораётган «Қи-  
 рон чанғароғи» ёшлар  
 уюшмаси турли мада-  
 ний-маърифий тадбир-

уюштирилган “Эҳтиёт бў-  
 линг, секталар!” давра  
 суҳбатида ўқувчиларга  
 диний экстремизм, тер-  
 роризм, гиёхвандлик ка-  
 ба ёшлар онги ва шуури-  
 ги салбий таъсир қилувин  
 зарарли иллатлар ҳақида  
 тушунчалар берилди.

Тадбирда сўзга чиққан  
 соҳа мутахассислари ёш-  
 ларнинг интернет сайти-  
 ларидан жой олаётган  
 айрим ёт оқимларнинг  
 “маънавий хуружи” тузо-  
 фига тушиб қолмаслиги  
 учун уларда маънавий

ни севиш туйғуси кучли  
 ва имон-эътиқоди мус-  
 таҳкам бўлса, ўзининг  
 ўтмишини хурматлаб,  
 яхши билса, “оммавий  
 маданият” тузогига ту-  
 шиб қолмайди, – деди  
 Ленгер шаҳар “Ёшлар  
 имконият маркази” раиси  
 И. Рисқулова. – Бугунги  
 шиддатли даврда чина-  
 кам маънавиятли, сиё-  
 сий ва ҳуқуқий жиҳатдан  
 етук инсонгина ўз миллий  
 қадриятларини, миллий  
 ўзлигини англости, эркин  
 ва озод жамиятда яшаши,  
 ўз давлатининг жаҳон



адолат, хурмат, эъзоз,  
 иззат, сабр, қаноат, меҳр,  
 кенг феъллик, билим-  
 доңонлик, маданиятлар та-  
 рихини билиш, дўстлик,  
 биродарлик, бир-бирига  
 азизлик қадриятларини  
 оиласви муносабатларга  
 ўтказиш, ҳамжиҳатлик,  
 тинчликин энг улуғ қад-  
 рият ҳисоблаш, илмга  
 ҷанқоқлик, муруват, ях-  
 шилик, ҳақгўйлик, кам-  
 таринлик каби хислат-  
 ларни ўзида жам этган  
 ёшлар ҳеч қаҷон қалтис  
 қадам кўймайди, ёт дин-  
 ний оқимларга кирмайди.

Тадбирда Қозоғистон  
 парлamenti диний ради-  
 кализм ва экстремизм-  
 нинг олдини олишига қара-  
 тилган янги конунларни  
 қабул қилишини режалаш-  
 тираётгани ҳам айтилди.

Учрашув иштирокчи-  
 лари “Ёт оқимни четлаб  
 ўт!” мавзууда тенгдош-  
 ларига Мурожаат қабул  
 қилишиди.

**Б. РЎЗИМАТОВА.**



лар ўтказмоқда.

Шулардан бири – Тў-  
 лебий туман марказлаш-  
 тирилган кутубхонасида

иммунитет шаклланти-  
 риш зарурлигини таъкид-  
 лашди.

– Кимда она Ватан-

ҳамжамиятидан муносиб  
 ўрин эгаллаши учун фи-  
 дойилик кўрсатиб меҳнат  
 қилиши мумкин. Инсоф,

## ТЎЙ БОШЛАШГА ШОШИЛМАНГ

Ҳамюртларимиз бир-бирларини дуо қилганларида,  
 “топганинг тўйларга буюрсин”, деб ният қилишади.  
 Буни туркий миллатлар ўртасидаги 1-рақамли дуо,  
 десак янгилишмаган бўламиз. Унинг моҳиятини тез ил-  
 ғаган тадбиркорлар ушбу нияти бекаму кўст амалга  
 ошириш учун барча имкониятлар яратиши. Шу боис  
 ҳам вилоятимизда тўйхона, қаҳвахоналар сони бошқа  
 минтақаларга нисбатан анча сероб. Бироқ кичик ва ўрта  
 бизнес вакиларининг фаолиятига тўғаноқ бўлганд иллат  
 туфайли эълон қилинган карантин чоралари тўйхона  
 соҳибларига қатор муаммоларни юзага келтириди. Йи-  
 ғинлар, оиласи маросимларни ўтказиш тұхтатилди,  
 тўйхоналар ишсиз қолди. Айнан ушбу даргоҳ соҳиблари  
 энг кўп моддий зарап кўрганлардан бўлишиди.

Яқинда Шимкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Е. Садир  
 тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларни  
 тинглади. Ҳокимият вакили ишбилармонларга 50 кишига  
 хизмат кўрсатадиган қаҳвахоналар сифатида ишлашни тав-  
 сия қилди. Бироқ...

“Шимкент холл” тўйхонаси соҳиби Б. Ўтебаевнинг айти-  
 шича, фавқулодда вазият эълон қилиниб, карантин чора-  
 лари жорий этилгача, кичик бизнес соҳибларининг ишлари  
 хизмат қўрсатадиган қаҳвахоналар тавсияни таъкидлайди.

“Коркем” тўйхонаси соҳиби М. Байбусиновнинг таъкид-  
 лашича, тадбиркорнинг асосий талаби – санитария талаб-  
 ларига риоя этган ҳолда, иш бошлашга руҳсат бериса  
 бўлгани. Улар кундузи ишлаб, меҳмонлар сонини қисқарти-  
 риша ҳам тайёр. Учрашув чогида ишбилармонлар карантин  
 чораларининг чўзилишидан норозиликларни яширишмади.  
 Бироқ миллионли шаҳарда чеклов чораларни кучатириш-  
 нинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Ҳавфли касалликни  
 юқтирганлар сони кун сайин ўсиб бормоқда. Эпидемиологик  
 вазият мурракаб.

Шимкент шаҳар товарлар ва хизматлар сифати ва  
 хавфсизлигини назорат қилиш департаменти раҳбари А.  
 Тўлебаевнинг айтишича, карантин тартиби тугагунга қадар  
 тўйхоналар хизматини бошлашга руҳсат берилмайди. Ҳо-  
 ким ўринбосари 22 июндан кейин санитария-эпидемиологик  
 аҳвол яхшиланса, тўйхоналарни очиш борасида имтиёзларни  
 кўриб чиқишига вайда берди.

– Биз фаолият бошлашингиз учун руҳсат берамиз, бироқ  
 сизлар шунчун мәхмонга санитария меъёрларига риоя қил,  
 деб ўқтиролмайсизлар, назорат қила олмайсизлар. Маса-  
 лан, тўйга бир хаста келса, у ерда иштирок этаётган 350  
 нафар мәхмон ҳам иллат юқтириши мумкин, – дейди шаҳар ҳокими  
 ўринбосари Е. Садир.

Ишбилармонларнинг шикоятига кўра, улар коммунал  
 хизматлар учун қарзга ботишган. Боз устига малакали  
 ходимларидан айрилиб қолишини истамаганликдан, мижоз-  
 ларга хизмат кўрсатилмаса-да уларга маош тўлашга ҳам  
 мажбур.

– Бизнинг учрашувга келишимиз сабаби – ишчиларимизнинг  
 муаммолари. Карантин пайтида Зойи ишсиз ўтиришиди.  
 Уларнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам иккинчи даражали банклар-  
 дан олган кредитларимиз бор. Коммунал хизматлар учун  
 ҳам ҳисоб тўхтосиз келиб туриди. Ишласак, ишламасак  
 ой сайин 1 млн. 200 минг тенге тўлаяпмиз, – дейди “Он-  
 түстік” қабул уйи соҳиби Е. Қамбаров.

Шимкентда 250 дан зиёд мәхмонларни қабул қилиш қув-  
 ватига эга 100га яқин тўйхона мавжуд. Уларда ўрта ҳисобда  
 6 мингдан зиёд киши иш билан банд. Фавқулодда вазият  
 эълон қилингунга қадар ҳар бир тўйхонада ойига камида  
 15та тўй ўтказиб келинган. Бундан ташқари, мегаполисда  
 500 дан зиёд кичик қаҳвахоналар ҳам фаолият юритмоқда.

Тадбирда сўзга чиқкан Шимкент шаҳар тадбиркорлар па-  
 латаси директори Н. Қабиштаев ишбilaрmonlар zimmasiда  
 қатор муаммолар борлиги ҳақиқатлигини таъкидлadi.

– Шу пайтгача тўйхоналарни мавсумий иш билан шуғул-  
 ланадиган муассасалар деб ўйлардик. Ушбу масканлардаги  
 ишчиларнинг ўртаси ойлиги 3,5 млн. тенгени ташкил этади.  
 Улар ҳозир маошсиз мушкул аҳволда қолишиди, – дейди Н.  
 Қабиштаев.

Ишбilaрmonlар билан учрашув ҳокимият вакилларининг  
 22 июндан кейин шаҳардаги эпидемиологик ҳолат яхшилан-  
 сагина, ҳамюртларимизнинг бир дастурхон атрофида бош  
 қўшишларига руҳсат берилиши холосаси билан якун топди.  
 У ҳолда ҳам санитария талабларига риоя этилса.

**М. САЪДУЛЛАЕВА.**

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газе-  
 таси таҳририяти ва Янги Икон қишлоқ ўзбек этномаданият  
 бирлашмаси, оқсоқоллар кенгаши Кентов шаҳри, Янги Икон  
 қишлоқ округи ҳокими Серик Ўмирханули Садибаевга буви-  
 си мәхнат фахрийси, пири бадавлат онахон


**Фатима БИСЕНБАЙ қизи-**

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъ-  
 зия изҳор қилади.

**Аллоҳ марҳумани ўз раҳматига олган бўлсин!**

# Диңгэйлийн бахшида умр

Бугунги кунда ўзининг 75 йиллигини нишонлаётган мақола қахрамони Эргаш Шарипов 1945 йил 16 июнь куни Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғида таваллуд топди. Ўрта таълимдан сўнг армия сафида хизмат қилди. 1968-1973 йиллари Тошдунинг биология-тупроқшунослик факультетида профессор И.И. Гранитов раҳбарлигидаги олий ўсимликлар кафедрасида таҳсил олди. Ўқиш баробарида амалиёт давомида Чотқол қўриқхонасида ўсимликлар турини ўрганди. Шу мавзуда диплом ишини ёқлади.



Фаолиятини Сирдарё вилоятидаги 19- ўрта мактабда кимёбиология ўқитувчиси сифатида бошлайди. Ёш мутахассисининг ўзишига талабчанлиги, меҳнат-севарлиги туфайли ҳамкаслари орасида обрўси ортиб, кўпчилик хурматини қозонди. Кадрлар танқислиги сабабли дарс соатлари кўп эди.

1975-2008 йиллар мобайнида “Оққала” ўрта мактабида устозлик касбини шараф билан улуғлади.

Э. Шарипов устозлик фаолиятига давомида етиштирган кўплаб шогирдлари турли мусобақа, танловларда голиблик шоҳсупасига кўтарилишган. Бугунги кунда улар эл-юрт хизматида.

Устознинг олийгоҳдаги фаолиятига ҳам тўхталиб ўтсан. 2003-2007 йилларда А. Қуатбеков раҳбарлигидаги Қозогистон Халқлар дўстлиги университети

тида ҳам талабаларга билим берил, уларнинг етук мутахассис сифатида камол топишига улкан хисса қўшиди. Шунингдек, “Ақсу-Жабагли” қўриқхонасида ўқув-дала амалиётини олиб борди. Талабаларга гербариyllар тайёрлатиб, ўсимлик турлари ва доривор гиёҳларни ўрганишда ёрдам берди. Фаолияти давомида Тошкентдаги Ботаника институти профессори К. Тойжонов раҳбарлигидаги “Оқсув флораси” мавзусида иш олиб борди.

Эргаш аканинг фаолияти давомида қўлга киритган ютуқлари муносиб баҳоланиб, турли увоннлар соҳиби бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, мақоламиз қаҳрамонига қутлуг 75 ёши арафасида мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаб қоламиз.

**Анвар МУҲАММЕДОВ.**  
Сайрам тумани.

## ШАҲАР ОБОД ВА ТОЗА БЎЛАДИ

Ленгер шаҳрида ободон-лаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида бажарилаётган ишлар кенг кулоч ёзмоқда.

Ўтган ҳафтада шаҳар ҳоимлиги ва ўй-жой коммунал хўжалиги томонидан бу ишларга 50 одам ва 4та маҳсус техника ажратилди. Ленгер дарёсини тоzалаш ишлари давом этиб, унда шаҳар «Ёшлар имконият маркази»нинг «Кўнгиллилар жамияти» аъзолари фаол қатнашиши.

– Шаҳар ҳоимлини бу масалани ўз назоратига олгани учун ундан миннатдормиз, – дейди «Кўнгиллилар жамияти» аъзолари С.Тўрабеков. – Қозогистон Республикаси Конституциясининг 53-54-моддалари атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга чорлайди. Дарҳакиқат, Она тиабат – тириклик манбаи. Бугунги кунда ер юзида вужудга келаётган иқлим ўзгаришлари дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган дозларб мұаммолардан дандир. Демак, атроф мұхит муҳофазаси, инсон саломатлигини авайлаш, бир сўз билан айтган-

да она-табиатни асраш ҳар бир кишининг мұхим вазифаси ва инсонийлик бурчидир.

Ҳоимлик мутасаддилари кўнгиллилар саъй-ҳаракатлари яхши натижага бераётгани ва шаҳарда тозаликка эътибор кучайиб, аҳолининг онгидага ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилаётганини таъкидлашиди.

– Тозалик ва озодалик бўлган жойда соглом авлод вояга етади, – деди шаҳар ҳоимлиги мутахассиси В. Покрова. – Тозалик – соғлик гарови эканлигини инкор этолмаймиз. Саранжом-саришта, тоза-озода жойга кирган кишининг баҳри-дили очилибгина қолмай, бу ерда унинг саломатлиги учун ҳеч қандай хавф туғилмаслиги ҳам барчага аён ҳақиқатидир. Шундай бўлгач, ҳар бир оиласда, таълим даргоҳида, кўчада, жамоат транспортида тозаликка эътибор қаратиш зарур. Бунинг замирида кишилар саломатлигини асрашдек умуддавлат ва умумхалқ масаласи ётади.

**Б. ДЎСМАТОВА.**

## Орамиздаги одамлар

### • Маънавият ва матбуот



Чўрноқ қишлоқ округининг Сувноқ қишлоғида истиқомат қилувчи муштариyимиз Хайрулла Жумадуллаев «Жанубий Қозогистон»да Ҳайитмат Муҳиддиновнинг аллома Имом Газзолий қаламига мансуб «Эй фарзанд» китобининг қозоқ тилига ўғирилгани ҳақидаги мақоласини ўқигач, менга қўнгироқ қилди. Шу китобни қаердан топиши мумкинлигини суриштириди. Ўз навбатида мен Ҳайитмат акага муштариy тилагини етказдим.



## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ



Ҳайитмат ака мазкур таржима китоби ҳомийси ва ташаббускори, ҳурматли меценат Ўрман Анарбек Ўнгарулига мурожаат этиб, масалани ҳал қилди. Шимкентга келиб, китобни олдим. Эртаси куни эса Чўрноқдаги фаол муштариyларимиз Қурбонбой Ирисбеков, Иқбол Абишевлар билан бирга рисолани Хайрулла Жумадуллаевга топшириб, ўқиб бўлгач, ҳамкишлоларни ҳам китобдаги ҳикматлардан баҳраманд этишини сўрадим. Сафаримнинг асосий мақсади осон кечмайтган обуани ташкил этиш хусусида бўлгач, барчамиз биргаликда «Қизиласкар» ўрта мактабига бордик. Мактаб ота-оналар қўмитаси раиси Абдурашид Абдураззоқов, устозлар Валихон Раметов, Шарифжон Тожибоев, Дилмурод Юсубов ҳамда Монирадил Исмоиловалар билан «Жанубий Қозогистон»га обуна масаласини уюшқоли ташкил этишини муҳокама қилдик. Қўлида хасса тутган, тўқсон ёш сари одимлаётган нуроний ўшдаги Хайрулла Жумадуллаев оташин даъвати нутқида давлатимизнинг тинчлик, тотувлик сиёсати ва она тилимиз ҳаққиҳурмати ушбу нашрга обуна бўлиш ҳар бир устоз, ҳар бир оила бурчи эканлигини таъкидлади. Оталар сўзи – ақлнинг кўзи, деб бежиз айтилмаган.

Қурбонбой Ирисбеков ва Иқбол Абишевлар шундай тажрибани бошқа мактабларда ҳам кўллаш даркорлигини тавсия этишиди. Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, нақли яна бир карра ҳаққонийлигини, ҳаётлийлигини исботлади.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

Тасвиirlарда: Ҳайитмат Муҳиддинов; «Эй фарзанд» китоби таржима нусхаси; фаол муштариyларимиз.

**Муаллиф тасвиirlари.**

### • Ярим асрлик таваллуд шодиёнаси

## Иқбол меҳнатдан келади



Чўрноқ қишлоқ округидаги доимий обуничимиз, хусусий мебель корхонаси соҳиби Иқбол Ҳабибулла ўғли Абишев 50 йиллик таваллуд тантанасига ҳозирлик кўрмоқда. Унинг падари бузруквори, марҳум Ҳабибулла ота тўғрисида қишлоқ оқсоқоли Хайрулла Жумадуллаев билан меҳнат фахрийси Қурбонбой Ирисбековлар кўп яхши хотираларини ўртоқлашишиди.



Урушда иккичи гурӯҳ ногириони бўлган Ҳабибулла Абишев Туркистандан урушга отланган 18547 нафар уруш қатнашчиларининг бири сифатида ғалабага муносиб хисса қўшиб, қатор орден ва медаллар билан тақдирланган. Урушдан кейин маориф ва қишлоқ ҳўялиги соҳасида раҳбар лавозимларида самарали меҳнат қилган. Умр йўлдоши Бибиёша ая билан 12 нафар фарзанд – 7 қиз 5 ўғил тарбиялаб вояга етказган пири бадавлат хонадон соҳибидир. Мақоламиз қаҳрамони Иқбол Абишев Тошкент техника университетини механик-муҳандис ихтиососи бўйича тамомлаб,

баевнинг Фармони билан бунёд этилган, икки ўшга тўлган Туркистандаги етакчи тадбиркорлардан бири. Ишлаб чиқаришини ривожлантириш баробарида бирлик, тотувлик ва тараққиётни мақсад тутган Қозогистон Ҳалқи Ассамблеяси таркибидаги Чўрноқ қишлоқ ўзбек этномаданияни бирлашмаси раиси сифатида жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Кентов ва Туркистан шаҳар ўзбек этномаданияни бирлашмалари, ҳамкишлолари, ҳамкаслари ва оила аъзолари Иқбол Ҳабибулла ўғлини ярим асрлик таваллуд шодиёнаси билан муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик, саодат ҳамда янги муваффақиятлар тилайди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

Суратларда: уруш фахрийи Ҳабибулла Абишев; Иқбол Абишев умр йўлдоши Гулчехра Абишева билан.

**Муаллиф тасвиirlари.**

**Бош мұхаррир — Алишер Фоғуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.**

**Масъул шахслар:**

Туркистан, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.  
Тұлебій — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигүрт — Хуршид КҮЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.  
Сайрам — Мұхтабар ҰСМОНОВА. +7-707-257-97-36.  
Түлкибаш — Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.  
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистан вилояти ҳоимлиги.

Мулк эгаси – «Жанубий Қозогистон» вилоят ижтимоий-сийеси газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлариги.

- Маколалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчиilar масъулларидир.
- Фойдаланылмаган мақолаларга ўзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йй. 4-квават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 априлда рўйхатга олинни, KZ34VRU00022503 гувоннома берилган.

Буюртма:  
1547.

Навбатчи мұхаррир: Мұхтабар ҰСМОНОВА.

Бош мұхаррир  
үрінбосарлари:  
**Муроджон АБУБАКИРОВ.**  
Ислом АБДУНАБИЕВ.

Масъул котиб –  
**Авазхон БЎРОНБОЕВ.**